

## ДАРБАНД ДАРАСИНИ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: [hikmat.panjiyev02@mail.ru](mailto:hikmat.panjiyev02@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада дарбанд дарасини геологик тузилишии ва гидрогеологияси таърифланган. Майдонда юра, бўр ва тўртламчи давр ётқизиқлари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** Палеозой, мезазой ва кайнозой, карбонат формацияси, туз ангиридит формацияси, неоком

### ABSTRACT

The article describes the geological structure and hydrogeology of Darband Gorge. Jurassic, Cretaceous and Quaternary deposits have been studied in the area.

**Key words:** Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic, carbonate formation, salt anhydrite formation, neocom.

Дарбанд майдони жануби-ғарбий Хисор тоғ тизма тармоғи чегарасида Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани худудида жойлашган бўлиб, жануби-ғарбдан шимоли-шарқ тамон Сайроб қишлоғидан Сисанча қишлоғигача чузилган.

Дарбанд-иккита сўз биримасидан иборат. “Дар” –дарвоза, дара; “банд”-мустаҳкам, ёпик, шунингдек дара орқали ўтган йўл демакдир.

Дарбанд майдони геофизик изланишлар маълумотларига кўра юқори ва ўрта юранинг қатлами ўтказувчанлиги сувга тўйинган сифатида тавсифланади.

### Ўрта ва юқори юра ( $J_{2+3}$ )

Бат яруси юқори подъярус ва келловей, қуйи подъярус  $J_2$   $bt_3+J_2cl$ .

Байсун свитаси. Бу свитанинг ётқизиқлари Тангидувал ётқизиқларига мувофиқ ётади. Бу свита литологик хусусияти бўйича қуйи ва юқори қисмларга бўлинади.

Қуи қисми кул ранг, сарғиши-кул ранг аргиллитлар, мергеллар ва оҳактошларнинг алмашиниши билан тавсифланади.

Байсун свитанинг юқори қисми кўкимтири-кулранг мергеллардан иборат бўлиб, у гилли-оолитли оҳактошлар ва алевролитлар билан қаватланади.

Свитанинг қалинлиги 274 м дан 753 м гача.

### **Юқори юра (J<sub>3</sub>)**

Келловий яруси, ўтра ва юқори подъяруслар ва оксфорд яруси J<sub>3</sub>Cl<sub>2+3+ox</sub>

Ўрганилган майдонда келловий-оксфорд ярусларини денгиз карбонатли ётқизиқлари ривожланган.

Жинсларни литологик хусусияти бўйича икки қисмга бўлиш мумкин. Қуи қисми биохимик ҳосил бўлган кулранг (то қорамтири-кул ранг) оҳактошларидан тузилган. Юқори қисми эса қорамтири-кул ранг брекчия шаклидаги юпқа қатли оҳактошлари билан қулранг хемоген оолитли оҳактошларидан иборат.

Келловий-оксфорднинг қалинлиги 483-521 метр.

### **Кимериж-титон (J<sub>3</sub>)**

Кимериж-титон ётқизиқлари қалин қатlamли тузлар, гипслар ва анgidritлардан ташкил топган ва келловий-оксфорд жинсларига мувофиқ ётади.

Гипслар ва анgidridлар оқ, кул ранг, кристаллик, майда ва йирик-донодор, айрим холларда терриген материалларнинг аралашмаси учрайди. Оҳактошлар кул ранг, қаттиқ кучли ғижимланган, анgidrid кристалларнинг аралашмаси бор.

Кесимнинг ўрта қисми гипслар ва анgidritлар юпқа қатли гиллардан ташкил топган. Гиллар (0,1-0,3м) қўнғир-жигар ранг, кул ранг кучли гиплашган, аста-секин гипсга ўтади.

### **Бўр (K) Қуи бўр ётқизиқлари (K)**

Валанжин (K<sub>1v</sub>) ўз ичига икки: қорабил ва альмурод свитасини иборат. Қорабил свитаси қизил рангли гил, ёғли, алевритли, қўнғир-жигар ранг кам ҳолларда кўкиш-кул ранг тусли юпқа қатли гипс билан бошланади. Унинг қалинлиги 100 м атрофига.

Кесим бўйича юқорида 0,5-3,0 м юпқа қатли алевролитларга эга бўлган жигар ранг-қунғир қумтошлар пачкаси ётади, қалинлиги 90 м.

### **Готерив (K<sub>1</sub>) Қизилтош свитаси**

Готерив ётқизиқлари континентал ҳосилаларидан таркиб топган ва валанжиннинг саёз кўл ётқизиқларига мувофиқ ётади. У икки аъзоли тузилишга эга: қуий пачкаси гил ва алевролитлардан, юқориси эса-қумтошлар ва алевролитлардан иборат.

### **Баррем (K<sub>1b</sub>) Окудбулоқ свитаси**

Кесим қизил, қизгиш-жигар ранг гипслашган гил, кўкиш-кулранг гил, қумтошлар ва гипслар билан мувофиқ ётувчи пачка билан бошланади.

Гиллар, алевритли, оҳакли, слюдали, қумтош кул ранг-қўнғир, гилли-алевритлардан ташкил топган.

### **Тўртламчи давр ётқизиқлари – Q**

Улар орасида ушбу майдонда ривожланган юқори тўртламчи давр ҳосилалари ажратилади.

Улар, асосан, конгломератлар ва қумтошлар билан ифодаланган бўлиб, жигар ранг-кулранг қумоқ билан қопланган.

### **Тўртламси давр ҳосилаларининг умумий қалинлиги 15-30 м.**

#### **Гидрогеологияси**

Районнинг гидрогеологик шароити иқлими, тектоник тузилиши, жинсларнинг литологик хоссалари, рельефнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Ер ости сувларини вужудга келишида районнинг геоморфологик хусусиятилари муҳим омиллар ҳисобланади.

Дарбанд майдонида доирасида кўп сонли бўлоқлар мавжуд. Бўлоқларда сув турли даражада минераллашган.

Майдонда негоген, палеоген, юқори ва қуий бўр ётқизиқларида босимсиз сувлар учрайди.

Мезазой ётқизиқларида ажратилган қатламли сувлар, кимёвий таркиби бўйича 4 та комплексга бўлинган.

Гидрогеологик комплекс юра даврига мансуб. Сувнинг минералогик таркиб бўйича (49,4 г/м), хлор кальцийли типга мансуб.

Валанжин, хотерив ва баррем қатлам сувларини минераллашуви 50,4 г/м. Бу сувлар хлор кальцийли типга тегишли.

III-чи комплексга апт ва альб ўтказувчан горизонт сувлари киради.

IV-комплекс ўз ичига юқори бўр ўтказувчан горизонт қатламли сувларни олади.

Сенон-палеоцен қатламли сувларида  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2$  компонентларининг миқдори кескин ортиб боради. Минералланиши 130 г/л га етади. Сувлар сульфатли-натрийли типга таалукли. Эоцен сувлари (олой қатлари) минералланиши 12-14 г/л, хлор-кальцийли ва хлор-магнийли сув типига мансуб.

Гаджак структурасида 1017-10043 метр оралиғидаги сувлар сенамон-альб ётқизикларига тўғри келади. Сувларнинг зичлиги 1,10-1,13 г/см<sup>3</sup>. Гаджак қудуғининг 2533-2514 м карабил свитаси оралиғида, синааб кўрилган сувлар дебити суткасига 0,1 м<sup>3</sup> қатлам суви аниқланган.

Дарбанд майдонида геофизик ишлар натижасида юқори ва ўрта юра қатлами сувга тўйинган сифатида тавсифланган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ(REFERENCES)**

1. Акрамходжаев А.М. и др. Литология, стратиграфия, нефтегазоносность Южного и Западного Узбекистана, Ташкент. ФАН. 1971. С. 200.
2. Арифджанов М.Х. Рифовые комплексы карбонатов келловей оксфорда Узбекистана. Ташкент. ФАН. 1975. С. 162.
3. Бабаев А.Г. Карбонатная формация юрского возраста платформенной области Узбекистана и ее нефтегазоносность. Ташкент. ФАН. 1983. С. 1-160.
4. Бабаев А.Г., Симоненко А.Н. и др. Формация юрских палеоседиментационных бассейнов Узбекистана и ее нефтегазоносность. Ташкент. 1990. С. 1-292.